

## СИРДАРЁДА ҲОСИЛ БАЙРАМИ



Сирдарё вилояти деҳқон фермерлари, ризқ-рўз яратувчилари шу йил 16 декабрь куни “Ҳосил байрами”ни Боёвут туманидаги “Тараққиёт” сув истеъмолчилари уюшмаси худудидаги катта майдонда зўр шодиёналик билан нишонладилар. Эътиборли жиҳати, аввало туман ҳокимлиги мажлислар залида “Ўзбекистон йилқичлиги: кеча ва бугун” мавзуида илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Анжуман ишини вилоят ҳокимининг ўринбосари Комилжон Собиров бошқариб борди.

Қатнашчилар - спорт федерацияси вакиллари, етакчи олимлар ҳозирги кунда мамлакатимизда 15 та йилқичилик насл хўжалиги фаолият кўрсатаётгани, зотдор қорабайир отларини кўпайтириш ва от спортини ривожлантириш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Қорабайир зотли отларни кўпайтириш, йилқичилик насл хўжалигини Сирдарё вилоятида ҳам йўлга қўйиш долзарб вазифа этиб белгиланди.

Ҳосил байрами ўтказилаётган майдонга эрта тонгдан одамлар гуррос кела бошлидилар. Бу халқимизнинг ушбу шодиёна кунлар, азалий байрамимизга соғинчи нечоғлик баландлигидан мужда берарди.



Ҳар бир туман ва шаҳар вакиллари алоҳида меҳмон кутадиган ўтов ҳозирлашган. Дехқонларимиз етишириган турли ноз-неъматлар расталари бу йил мева-чева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳар йилдагидан мўл ва сархил бўлганини англатиб турибди. Бир томонда санъаткорлар дилрабо куй ва қўшиқлари билан дилларга ўзгача хушнудлик улашмоқдалар. Кўчкор уришириш, кўпкари ўйинлари, спортчилар чиқишиларидан ишқибозларнинг қувончилари чексиз. Ҳосил байрами-халқ сайлига вилоятимизнинг барча туманларидан минглаб одамлар йиғилди.

Вилоят ҳокими Фофуржон Мирзаев “Ҳосил байрами” қатнашчиларини улкан шодиёна билан қутлаб, бу йил вилоят пахтакор. ғаллакор ва соҳибкорлари эришган улкан муваффақиятларни алоҳида мамнунят билн тилга олди. Айниқса пахтакорларимиз кўлга киритган улкан ютуқда Боёвут, Ховос, Мирзаобод туманлари дехқонларининг ҳиссалари салмоқли бўлди. Ушбу туманларнинг пахтакорлари шартнома режаларини ошириб бажриб, эл-юрт олдида берган ваъдаларини ёруғ юз билан оқладилар. Вилоятимиз ғаллакорлари мисли кўрилмаган маррани эгаллаб, республикада иккинчи бўлиб шартнома режаларини бажардилар.

Вилоят ҳокими Фофуржон Мирзаев туман ҳокимларининг ўринбосарлари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларининг

бошлиқлари, туманлар “Агрокимё” филиаларининг раҳбарларига Президент совғаси -“Нексия” ва “Дамас” автомобилларининг калитларини тантанали равишда топширди.



Тошкентдан келган ва вилоятимизнинг кўзга кўринган санъаткорлари, ижодий жамоалари томонидан ижро этилган қўшиқ ва куйлар, рақслар тадбир қатнашчилари қалбига ўзгача завқ ва шавқ улашди. Айниқса, хушвот хонанда Анвар Собировнинг дилбар қўшиклари томошабинларга жуда манзур бўлди.



Хоразм ва бухородан келтирилган қўчқорлар жанги, кўпкари ўйинлари кечгача давом этди. Энг эпчил ва чаққон чавандозлар катта совринларнинг соҳиблари бўлдилар.





- Виляятимизда “Хосил байрами” тантаналарининг қайта тикланиб, қишлоқ хўжалик ходимлари кунининг ўзгача шодиёналик билан нишонланаётгани кўп йиллик меҳнатимиз қадр топаётганлигининг белгисидир, - дейди Сирдарё туманидаги “Мехри дарё” фермер хўжалиги раҳбари Абдуқодир Намозов. - Ҳалол ва самарали меҳнатим туфайли бу йил қишлоқ хўжалик ходимлари куни ҳукуматимизнинг юксак мукофоти - “Дўстлик” ордени билан тақдирландим. Бу менга эмас, бутун Сирдарё тумани деҳконлари меҳнатига берилган юксак баҳо деб ўйлайман.” Ҳосил байрами” тантанасида барча қишлоқ хўжалик ходимларини улуғ байрамлари билан табриклайман ва хўжалигимизда барча тармоқларни ривожлантириш йўлида бор куч-ғайратимни аямайман.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**